

## ЯПОН ТИЛИДА КЎМАКЧИ ФЕЪЛ ХУСУСИЯТЛАРИ



**Гойибжон ЮНУСОВ**

Тошкент давлат шарқшунослик институти  
иагистранти  
[goyibjon@gmail.com](mailto:goyibjon@gmail.com)

### Аннотация

Мазкур мақола япон тилидаги кўшма феъл соҳаси, япон тилидаги кўмакчи феълнинг бирикиш модуллари ва семантик хусусиятларига кўра турларини ўрганишга бағишланган. Мақолада япон тилидаги кўмакчи феълнинг лексик хусусиятлари очиб берилган ва айтилган фикрлар мисоллар ёрдамида мустаҳкамланган. Шунингдек, кўмакчи феълнинг маъно жиҳатдан фарқланиши кўрсатилган.

### Аннотация

Статья посвящена сфере сложных глаголов, семантических особенностей и сочетанию модулей вспомогательных глаголов в японском языке. В статье дается анализ лексического значения вспомогательных глаголов в японском языке с помощью примеров. Кроме этого, в статье даются различия значений вспомогательных глаголов.

### Abstract

This article deals with semantic features and combination of modules of auxiliary verbs in Japanese language. The article gives analysis of lexical meaning of auxiliary verbs in Japanese language with exercises. And this article gives different meaning of sailing verbs.

**Калит сўзлар:** япон тилшунослиги, феъл, кўшма феъл, кўмакчи феъл.

**Ключевые слова:** японское языкознание, глагол, сложные глаголы, вспомогательные глаголы.

**Keywords:** Japanese linguistics, verb, compound verb, auxiliary verb.

Япон тилшунослигида кўшма феъл соҳаси, кўшма феълларнинг тузилиши, лексик хусусиятлари бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Бугунги кунга қадар айрим масалалар, жумладан, япон тилидаги кўмакчи феълнинг лексик хусусиятлари тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Шу боис мақолага мавзу бўлган масалани тадқиқ этиш япон тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Япон тилидаги етакчи ва кўмакчи феълли бирикувларни ҳосил қиладиган ҳар икки компонент ўзига хос хусусиятларга эга. Етакчи феъл ушбу бирикувнинг бош маъносини ифодаласа, кўмакчи феъл етакчи феълга

қўшилиб, уни аниқлаб, тўлдириб келади(1). Демак, кўмакчи феъл етакчи ва кўмакчи феълли бирикувларнинг муҳим компонентларидан биридир.

Япон тилидаги кўмакчи феъллар, одатда, етакчи феъл англашилган ҳаракатнинг тавсифини ифодалайди(1, 4). Кўмакчи феъл етакчи феълга бирикиб:

а) иш-ҳаракатнинг бошланганлиги: 書き始め [какиҳажимеру] ‘ёза бошламоқ’;

б) иш-ҳаракатнинг давом этаётганлиги: 呼び続ける [ёбицузукеру] ‘чакириб турмоқ’, 働いている [ҳатараите ир] ‘ишлаб юрибди’;

в) иш-ҳаракатнинг такрорланиши: よく電車に乗っている [ёку деншяни ноттеиру] ‘кўпинча поездда юради’;

г) иш-ҳаракатнинг тугалланганлиги: 読み終わった [ёмиоуатта] ‘ўқиб чиқди’;

д) иш-ҳаракатнинг йўналиши: 飛び降りる [тобиориру] ‘сакраб тушмоқ’, 持ち上げる [мочиагеру] ‘кўтармоқ’;

е) иш-ҳаракатнинг даражаси: 考え込む [кангаекому] ‘ўйланиб қолмоқ’;

ж) иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилганлиги: 書き直 [какинаосу] ‘қайтатдан ёзмоқ’ каби маъноларни орттиради. Кўмакчи феъллар бу хусусиятларига кўра бир нечта гуруҳга бўлинади .

Япон тилидаги мавжуд аксарият феъллар матнга қараб серқирра маъноларни англатади. Масалан, 「いる」[иру] феълнинг луғатда олти хил маъноси берилган (3). Табиийки, бундай серқирра маъноларни англатувчи феъл кўмакчи феъл вазифасида келганда, ўзи бириккан сўзнинг лексик хусусиятларига қараб кўпгина маъноларни келтириб чиқаради. Қуйида 「いる」[иру] феъли кўмакчи феъл вазифасида келганда, етакчи ва кўмакчи феълли бирикувларнинг маъноларини солиштириб кўрамиз.

Масалан:

1) 学生たちがグラウンドを走っている。

[Гакусеитачига гурандо о ҳашиттеиру. ]

Талабалар майдонда югуришяпти.

2) 毎朝,出勤前に走っている。

[ Маиаса, шюккинмаени ҳашитеиру. ]

Ҳар тонг, ишга боришдан олдин югураман (югуриб тураман).

3) この車は,もう7万キロも走っている。

[Коно курумава, моу 7 ман кирома ҳашиттеиру. ]

Бу автомобил 70 минг километр юриб кўйган.

4)砂漠の中を一本の道路が真っすぐに走っている。(2)

[ Сабакуно нака wo иппон но доуро га массугуни ҳашитеиру. ]

Чўл ўртасидан битта текис (тўғри) йўл ўтган эди.

Юқоридаги мисолларда 走っている [ҳашитеиру] ‘югуряпти’ феъл бирикуви асл маъносидан бошқа маъноларни англатади. Биринчи гапда ҳаракатнинг давом этаётганлигини, иккинчи мисолда ҳаракатнинг одатий равишда содир этилишини, учинчи мисолда ҳаракатнинг тугалланганлиги ёки ҳаракатдан келиб чиққан натижани, тўртинчи мисолда ҳаракатнинг давомийлигини англатади. Демак, япон тилидаги кўмакчи феъллар бир маъноли ёки кўп маъноли бўла олади.

Япон тилида баъзи кўмакчи феъллар мустақил феъл ҳолатида турли хил маъноларни англатса-да, маълум бир етакчи феълларга кўшилиб келганда, бир-бирига жуда яқин, ўхшаш маъноларни ифодалайди. Масалан:

1)やり終わった⇔やり終えた⇔やり果たした⇔やり切った

[яриоватта⇔яриоста⇔ярихаташита⇔ярикитта]

2)読み始めた⇔読み出した⇔読みかけた

[Ёмиҳажимета⇔ёмидашита⇔ёмикакета]

Биринчи мисолдаги おわる [owaru] ‘тугамоқ’, おえる [oeru] ‘якунламоқ’,果たす[хатасу] ‘бажармоқ, рўёбга чиқармоқ’ ва きる [киру] ‘кесмоқ’ кўмакчи феъллар やる [яру] ‘қилмоқ’ ҳаракатининг тугал бажарилганлигини билдиради.

Иккинчи мисолдаги はじめる [ҳажимеру] ‘бошламоқ’, だす [дасу] чиқармоқ, かける [какеру] ‘осмоқ, кўймоқ’ кўмакчи феъллар эса 読む [ёму] ‘ўқимоқ’ ҳаракатининг бошланганлигини билдиради. Бундай кўмакчи феъллар ҳаракатнинг турли хил нозик жиҳатларини ифодалаш мақсадида қўлланилади.

Япон тилидаги кўмакчи феъллар семантик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бир нечта ёки айрим феъллар билан бирикади. Мисол учун 始める [ҳажимеру] ‘бошламоқ’ феъли деярли барча феъллар билан бирикиб ҳаракатнинг бошланишини билдиради. Масалан:

歩き始める[арукиҳажимеру] ‘юра бошламоқ’;  
 降り始める[фуриҳажимеру] ‘ёға бошламоқ’;  
 読み始める[ёмиҳажимеру] ‘ўқий бошламоқ’.

Япон тилидаги 「でる/だす」 [деру], [дасу] феъли кўмакчи феъл вазифасида келганда, ўз асл маъносини қисман сақлаган ҳолда етакчи феълга кўшилиб, “чикмоқ”, “ташқарига ҳаракатланмоқ” каби маъноларини билдиради. Масалан:

「探し出した」 → [сагашидашита] ‘қидириб топди’;  
 「飛び出た」 → [тобидашита] ‘югуриб чикди’.

Япон тилидаги кўмакчи феълларнинг аксарияти В1(連用形) [ренёкеи]+В2 шаклида бирикиб, кўшма феъл ҳосил қилади(2). くる[куру] ‘келмоқ’, いく[ику] ‘бормоқ’, ある[ар] ‘бор’, おく[оку] кўймоқ, いる[иру] бўлмоқ, もらう

[морау] ‘олмоқ’, いただく [итадаку] ‘олмоқ (хурмат маъносида)’ каби феъллар эса “те” шакли ёрдамида В2 га бирикиб кўшма феъл ҳосил қилади. Масалан:

「帰ってくる」 [каетте куру] → ‘қайтиб келмоқ’;  
 「帰っていく」 [каетте ику] → ‘қайтиб кетмоқ’;  
 「書いてある」 [каитте ару] → ‘ёзиб қўйилган’;  
 「書いておく」 [каитеоку] → ‘ёзиб қўймоқ’;  
 「書いている」 [каетте иру] → ‘ёзиб турибди, ёзмокда’.

Лекин айрим ҳолларда 連用形[ренёкеи] шакли ёрдамида бирикадиган феъллар て形[те] шакли ёрдамида ҳам В2 га бирикиб, кўшма феъл ҳосил қила олади. Бу ҳолда, 連用形[ренёкеи] шакли ёрдамида етакчи феълга бирикканда бошқа маъно, て形[те] шакли ёрдамида бирикканда, бошқа бир маънони ифодалайди(2). Мисол учун, 「でる」 [деру] ‘чикмоқ’ феълени олиб кўрайлик.

1) 犬が庭から飛び出してきた。  
 [Инуга нива кара тобидашитекита.]  
 Ит ҳовлидан югуриб чикди.

2)奥さんは玄関まで送って出た。

[Окусанва генканмаде окуттекита.]

Аёли эшикгача кузатиб чикди.(2)

Биринчи мисолда 「でる」 [деру] ‘чикмоқ’ кўмакчи феъли етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўсатдан ташқарига йўналтирилганлигини англатса, иккинчи мисолда бевосита ҳаракат бажарувчиси ташқарига йўналтирилган ҳаракатни амалга оширганлигини ифодалайди.

Кўмакчи феълларнинг маъноси дастлаб шу феълларнинг асл лексик маъносидан бошланган, кейинчалик баъзи кўмакчи феъллар бу маънодан узоқлашган. Масалан:

「行って来る」 [иттекуру] → бориб келмоқ

「取って置く」 [тоттеоку] → олиб қўймоқ

Япон тилида етакчи феъл, одатда, равишдош шаклида келади, кўмакчи феъл эса ўрнига қараб, турли формаларда қўлланила олади. Яъни, барча грамматик категориялар кўмакчи феълда акс эттирилади. Масалан:

読み終わった[ёмиоわたта] ўқиб чикди;

読み終わりたい[ёмиоわりたい] ўқиб чикмоқчи;

読み終わっている[ёмиоわたてиру] ўқиб чиққан ;

読み終わる[ёмиоわり] ўқиб чиқади;

読み終わったら, 読み終われば[ёми оваттара, ёмиоwareба]

ўқиб чиқса.

Демак, япон тилидаги кўмакчи феъллар бир маъноли ёки кўп маъноли бўла олади, яъни барча грамматик категориялар кўмакчи феълда акс эттирилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. 新美和昭、山浦洋一、宇津野登久子「複合動詞」荒竹出版、平成5年87-95-бет.
2. Мисоллар 新美和昭、山浦洋一、宇津野登久子「複合動詞」дан қискартирилган ҳолда олинган.
3. 新美和昭、山浦洋一、宇津野登久子 「複合動詞」荒竹出版、平成5年、85-86-бетлар
4. 新美和昭、山浦洋一、宇津野登久子 「複合動詞」荒竹出版、平成5年、87-бет.